

**АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИНГ МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРИНИ  
ШАККЛАНТИРИШ МЕТОДИКАЛАРИ**

**Ш.М.Шукуруллахонова**

Низомий номидаги ТДПУ илмий тадқиқочи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10889727>

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясидаги нутқида стратегик йўналишлар, жумладан, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бутун дунёда қарийб 1 миллиардга яқин ногиронлиги бўлган шахслар борлиги ҳақида ўйлаб, фикр юритсак, бу ниҳоятда аҳамиятли ташаббус эканига амин бўламиз.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мамлакатимизда инклюзив таълимга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан 2020–2025 йилларда халқ таълими тизимида инклюзив таълимни ривожлантириш [концепциясида](#) алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга кўрсатиладиган таълим хизматлари сифатини яхшилаш бўйича қуйидаги вазифалар белгиланди:

- алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар таълим оладиган таълим муассасалари биноларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар ўқитиладиган таълим муассасаларини зарур адабиётлар, методик қўлланмалар, турли касбларга ўқитиш учун ускуна ва жиҳозлар билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни ўқитиш учун инклюзив таълим тизимини ташкил этиш, умумтаълим муассасаларини махсус мосламалар (кўтариш қурилмаси, пандус, тутқич ва бошқалар), шунингдек тегишли кадрлар (махсус педагог, болаларни руҳий-педагогик кузатиш бўйича мутахассислар) билан таъминлаш;
- алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг мослашиши ва интеграцияси учун мактаб-интернатларни босқичма-босқич махсус жиҳозлар билан таъминлаш ва бошқалар.

Нуқсонли, ақли заиф болаларни билим олишлари умум таълим фанларни ўзлаштиришларида қатор хориж ва мамлакатимиз олимлари томонидан янги методлар яратилмоқда.

Боланинг сенсомотор функцияларини ривожлантирмасдан, уни атроф маконда йўналганлигини, нутқий кўникмаларини ва ш.к. ривожлантирмасдан элементар математик тасаввурларни шакллантириб бўлмайди. Одатда. Санаб ўтилган функциялар миянинг бирозжароҳатланиши кузатиладиган болаларда етарлича ривожланмаган бўлади [12..Б. 109]. Гўдаклик ва илк ёшда ақли заиф болаларда ҳаракат ва билишга оид фаоллик жуда паст: ҳаракатлар координацияси бузилган бўлади, бу уларнинг ўйин фаолиятида намоён бўлади. Болаларнинг ҳаракатлари бузилиши кўп ҳолларда координацияда намоён бўлади. Бу тоифа болаларда мувофилаштиришга кўра мураккаб ҳаракатларни бажаришда қийинчиликлар кузатилади, топшириқларни юажаришда тезлик ва чаққонлик етишмайди, вақт, макон ва кучга оид ҳаракат параметрларини ритмлаш ва фарқлаш қоибилиятлари паст бўлади (Н. П. Вайзман, Е, М. Мастюкова, В.М; Мозговой ва бошқ.).

Ҳаракатлар координацияси (мувофиқлиги) ёрқолаларнинг ривожланишида ўзак муаммо саналади, бу унинг инсон ҳаётини фаолиятидаги мутлақ амалий аҳамияти билан изоҳланади. Мувофиқлаштириш (координация) қоибилиятлари боланинг математик

тасаввурлари, аввало, макон, катталиқ, миқдор ҳақидаги тасаввурлари ривожланиши учун муҳим бўлган ҳаракат имкониятлари даражасини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Базавий координат қобилиятлар қўлланиш доираси кенг бўлиб, маконда йўналганлик олиш, ўзининг мушак сезгиларини фарқлаш (дифференциациялаш) ва мушаклар кучланишини бошқариш, ташқи муҳит сигналларига реакция қилиш, статик ва динамик мувозанатни сақлаш имкониятлари, ритм ҳиссини ўз ичига олади. Макразиф асаб тизимининг эрта органик жароҳатларини асоратлари, аввало, болаларнинг мотор-ҳаракат ривожланишида: координация қобилиятларининг ривожланишида акс этади. Ақли заиф болалар нормал ривожланаётган болалардан анча кеч бошини тута, ўтира, эмаклай, тура ва юра бошлайди. Уларнинг кўпчилиги фақат ҳаётининг иккинчи, баъзан хатто учинчи йили охирига келиб мустақил юра бошлайди. Улар предметларни ушлаш ва тутиб туришда катта қийинчиликка дуч келади. Бу қийинчиликлар фақат ҳаракатлар ривожланишининг ўзига хослиги эмас, балки узоқ вақт “Бу нима?” деган саволга йўналганлик реакциясининг узоқ вақт мавжуд бўлмаслиги билан ҳам белгиланади (Е.М. Мастюкова, Е.А. Стребелева).

Шундай қилиб, етишмаслик умумий каби майда ва талаффуз моторикасига ҳам тааллуқли бўлади. Бу мотор чаққон эмаслик, ҳаракатлар координацияси етарли эмаслиги, бир ҳаракатдан иккинчисига кўчиш қийинлигида ўз ифодасини топади, ҳолбуки булар математик материал билан ўзаро таъсир давомида предметли ҳаракатларни амалга ошириш учун жуда зарур. Болаларнинг маконда (атроф муҳитда, ўз танасида, текисликда ва ш.к.) йўналганлик олишига кўмаклашадиган ҳаракат кўникмалари узоқ ва қийинчилик билан шакллантирилади. Ҳар иккала кўл ҳаракатлари координацияси ва кўриш назорати (кўрик-ҳаракат координацияси) жиддий оқсайди. Ҳаракат хотираси пасайган бўлади. Бу ҳам ҳаракат, ҳам ақлий ривожланиш, жумладан, элементар математик тасаввурлар шаклланишини кечиктиради. Бу тасаввурларни ҳосил қилиш жараёни фақат, боланинг ҳаракат имкониятларини кўп жиҳатдан белгилайдиган, координация қобилиятлари шаклланиши асосида мумкинлиги ҳисобга олиб, мактабгача ёш даврида коррекцион фаолиятнинг бу йўналишига алоҳида эътибор қаратилади. Мактаб ёшида ҳам координация қобилиятлари ривожланмаганлигича қолса, улар математикага ўқитишга салбий таъсир кўрсатади ва бутун мактаб таълими жараёнида коррекцион иш объекти бўлиб қолаверади (О.П. Гаврилушкина, Е.М. Мастюкова, Н.Д. Соколова, Е.А. Стребелева).

Мактабгача ёш болаларнинг нафақат ташқи, кўрғазмали-амалий, балки ички, хаёлий планда амалга ошадиган ҳаракатлари шаклланиш даври ҳисобланади. Бу илк ва мактабгача ёш даврлари чегарасида идрок тузилмасида рўй берадиган жиддий ўзгаришлар билан боғлиқ. Ақли заиф болаларнинг кўпол сенсон етишмаслиги хатто предметли фаолиятда ҳам улар предметларнинг белгиларини ҳисобга олмаслиги, куч билан ҳаракат қилиши, “изланишли”, натижавий синовдан фойдалана билмаслигида намоён бўлади. Мактабгача ёш даврида махсус таълимсиз уларнинг топшириқни кўриб йўналганлик олишида кўриш шакллари деярли кузатилмайди. Бу кўпинча манипуляция билан алмаштириладиган предметли, предметли-ўйинли ҳаракатлар характери, тасвирий фаолиятни ўзлаштириш, математик тасаввурларнинг ривожланишида ва ш.к. аксини топади (Л.Б. Баряева, О.П. Гаврилушкина, Е.А. Екжанова, Е.А. Стребелева).